

12.09.2022 даги

«AL ASAD SERVICE» МСНЖ ва Жондор туман Хокимлиги (Фонд) ўртасида 108569600,00 сўм умумий суммага  
тузилган 3 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб

018

Шахсий газна ҳисобварақ

305122860062467109602018001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4821190			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь	108 569 600,00			108 569 600,00
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	108 569 600,00			108 569 600,00

Жами 108569600,00 сўм

Бир юз саккиз миллион беш юз олтинчи тўққиз минг олти юз сўм  
00 тийин  
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 32570880,00 сўм ёки 30,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
% \*\*\*20 ойида тўланиши лозим.

(\* ) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада  
тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_% жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим  
(ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиши, алоқа  
хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш  
шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



(имзо)

Мажитов Ҳамид Қодирович

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Ашуров Баходир Жамолович

Ф.И.Ш.

Газначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

# ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 3

Жондор ш

« 12 » сентябр 2022 йил

“Ал Асад сервис” МЧЖ (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади) номидан ўзининг Низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи А.Насимов тимсолида, бир томондан ва Жондор туман Хокимлиги, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан ўзининг Низоми, асосида иш юритувчи Х.Мажитов тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартномага биноан “Буюртмачи” томонидан ёзма буюртма хати оркали Жондор туманидаги мухтож оилаларга (хонадон кесимида) қурилиш ремонт материаллари етказиб бериш учун буюртма берилади. “Бажарувчи” мазкур берилган ёзма буюртма хатга биноан мактабни безатишни уз зиммасига олади. Мазкур хизматларга амалдаги тарифларга асосан “Буюртмачи” томонидан тулов амалга оширилади.

1.2. “Хизматлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур спецификацияда келтирилади.

№	Хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Раковина (комплектида керакли қисмлари билан булиши керак)	комп	2	550 000	1 100 000
2	Унитаз. (комплектда сув бочоки билан булиши керак)	комп	2	1 600 000	3 200 000
	Цемент (400 марка)	т	10	1 100 000	11 000 000
	Стекловата (девор учун)	комп	30	300 000	9 000 000
	Брус-рейка (10х4х600 см қилиб кесилган)	дона	30	200 000	6 000 000
	Рубероид (кровля қилиш учун рубероид. эни 1.10 см ли)	дона	35	45 000	1 575 000
	Шифер	М2	296	130 000	38 480 000
	Ротбанд (грунтовка ишлари учун курук смес. 25 килоли коғоз копларда булиши керак)	кг	6125	1 800	11 025 000
	Пишган Гипс	дона	22658	1200	27 189 600
	<b>Жами:</b>				<b>108 569 600</b>

1.3. “Хизматлар”ни кўрсатиш муддати **2022 йил “30” сентябргача** амалга оширилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “Бажарувчи”дан “Хизматлар” “Буюртмачи”нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Хизматлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган “Хизматлар” кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган “Хизматлар” шунга ўхшаш “Хизматлар” билан алмаштирилишини;

- “Хизматлар”нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш.

### 2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар»ни **2022 йилда бюджетдан** ажратилган маблағлар доирасида “Бажарувчи” билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

### 2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

#### 2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлиmidан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш:

2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин тузатиб бериш.

2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 15 фоиз микдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

### III. ШАРТНОМАНИНГ

#### БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **108 569 600 (Бир юз саккиз миллион беш юз олтмиш туккиз минг олти юз)** сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартнома спкцификациясида кўрсатилган.

3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 фоизи микдорида яъни **32 570 880 сум 2022 йилнинг сентябр** ойида олдиндан ҳақ тўлайди ва Кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 70 фоизи микдорида яъни **75 998 720 сум 2022 йилнинг 30 сентябр** қунигача якуний тўловни амалга оширади.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчирини йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

#### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлимларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган микдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" микдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини руйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача қаида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилди. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан қаида 1 кун олдин хабардор қилади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.

5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустикал равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

#### VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома **2022 йил «31» декабр**гача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлик тугалланган тақдирда тўхтатилади.

### VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси” нинг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначилиқда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.
- 9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

### X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

#### «Буюртмачи»

#### “Ал-Асад сервис” МЧЖ

(етказиб берувчининг номи)

Манзил: Жондор туман Алели МФЙ

Тел./факс

Х/р 20208000800807134001

Банк номи АТБ Кишлоқ қурилиш банк

Жондор филиали

МФО 00115 ИНН 305097699

Раҳбар

А.Насимов



#### Жондор туман Ҳокимлиги

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Жондор ш.

Тел./факс

Ҳазна./х<sup>5</sup> 23402000300100001010

Банк номи Тошкент ш. Марказий банкнинг ХККМ

МФО 00014 ИНН 201807887

ОКОНХ 92310

ш/х<sup>6</sup> 305122860062467109602018001

Жондор туман Ҳазначилик бўлини маси

банк номи. Тошкент шаҳар Марказий банкнинг ХККМ

МФО 00014 ИНН 201122919

Раҳбар

Х.Мажитов



А. Рўзиёв

<sup>5</sup> - тегишли Ҳазна ҳисобварағи кўрсатилади.

<sup>6</sup> - тегишли бюджетдан маблағ олувчининг Ҳазначилик бўлини масида очилган шахсий ҳисобварағи (ёки шахсий ҳисобварақлари) кўрсатилади.